



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ENERGETIKA VAZIRLIGI BUYRUG'I

176 -son

« 16 » ноябрь 2021 -yil

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигида коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва норматив-хуқуқий базани мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ–5177-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 4-сонли баёни ижросини таъминлаш, шунингдек Энергетика вазирлигида коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва норматив-хуқуқий базани мустаҳкамлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Энергетика вазирлигининг 2021 йил 27 сентябрдаги “Энергетика вазирлиги марказий аппаратида коррупцияга қарши ички назорат вазифасини жорий этиш ва юклаш тўғрисида”ги 137-сонли ва 2021 йил 4 октябрдаги “Энергетика вазирлигининг Молиявий оқимлар ва нарх сиёсати бошқармаси низомини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида”ги 141-сонли буйруғига асосан Энергетика вазирлиги марказий аппаратида коррупцияга қарши ички назорат вазифаси Молиявий оқимлар ва нарх сиёсати бошқармасига (кейинги ўринларда – Бошқарма) юклатилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Энергетика вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати янги таҳрирда 1-иловага мувофиқ;

Энергетика вазирлигида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом 2-иловага мувофиқ;

Энергетика вазирлигида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом 3-иловага мувофиқ;

Энергетика вазирлигида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича услубиёти 4-иловага мувофиқ;

Энергетика вазирлигида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти 5-иловага мувофик;

Энергетика вазирлигига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти 6-иловага мувофик;

Энергетика вазирлиги ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламенти 7-иловага мувофик;

Энергетика вазирлигида контрагентларни текширишга оид йўриқнома 8-иловага мувофик;

Энергетика вазирлигига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома 9-иловага мувофик;


Энергетика вазирлиги ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома 10-иловага мувофик тасдиқлансин.

3. Коррупциявий хавф-хатарларни ва молиявий қоидабузарликларни бартараф этиш мақсадида вазирлик таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилаётган барча турдаги давлат харидлари билан боғлиқ молиявий-хўжалик ҳужжатлар лойиҳалари Бошқарма (Жўраев) билан мажбурий тартибда келишилиши белгилансин.

4. Энергетика вазирлигининг 2020 йил 18 сентябрдаги Энергетика вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини тасдиқлаш тўғрисидаги 132-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ахмедхаджаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

 А. Султанов


Киритилди:

Молиявий оқимлар ва нарх
сиёсати бошқармаси



Ж. Жўраев

Келишилди:

Вазирнинг биринчи ўринбосари


А. Ахмедхаджаев

Вазир ўринбосари


Ш. Ходжаев

Кадрлар билан ишлаш бошқармаси


М. Камалиддинов

Хукукий таъминот бошқармаси


И. Кўзиев

©. Қурбонов билан келишилган